



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июль куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар шу йили март ойда Тошкент шаҳрида ўтган Стратегик шериклик кенгашининг иккинчи йиғилишида эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Туркия Президенти давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда

кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо, транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги икки томонлама лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, 2022 йил ноябрь ойда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти саммити юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган Қўрбон ҳайити билан бир-бирини қутлаб, мамлакатларимизнинг биродар халқларига фаровонлик ва раванқ тиладилар.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Россия Президенти давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича қўрилган қатъий чораларни қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўтган йил ноябрь ойда Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АКС ЭТТИРИЛГАН БОШ ҚОНУН

Янгиланган Конституциямиз халқимиз бахтли ҳаётини таъминлашга пойдевор яратишига шубҳа йўқ. Буни ҳар бир юртдошимиз яхши тушуниб турибди. Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бошланишида ҳар куни 700 га яқин таклиф келиб тушган бўлса, ҳозирги вақтга келиб, улар сони қунига 10 мингга етмоқда. Мана шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси муддати жорий йил 15 июлгача узайтирилди.

▶ Давоми 2-бетда



## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ИЖТИМОЙ ЮКСАЛИШДАН БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ САРИ ЙЎЛ

Бугун “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган буюк халқ ҳаракати юзага келмоқда. Бу, насиб этса, Конституциямиз даражасида мустаҳкамланади. Мана шу тамойил бизни янги тараққиёт босқичи сари бошлашига шубҳа йўқ. Бунинг бир қанча асослари бор. Аввало, ижтимоий давлат, унинг оддий одамлар ҳаётини яхшилашга таъсири ҳақидаги тушунчамизни шакллантириб олишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У — ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат юритадиган давлат модели.

Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутати. Шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

▶ Давоми 3-бетда

Сўнги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” ғояси асосида аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилиб, унинг доирасида ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашиш, моддий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида тарихий ишлар қилинди.



## ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР ФИКРИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЗАРУР ШАРТГА АЙЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ҳал қилувчи паллага кирди. Мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда турли сабабларга кўра, хорижда бўлиб турган ватандошларимиз ўртасида ҳам кизгин муҳокама қилинмоқда. Юртдошларимиз Ўзбекистон Асосий қонунига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватламоқда.

▶ Давоми 2-бетда

## ИЛМ-ФАН



## ПЕРОВСКИТ ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

## камҳаражат, қулай ва атроф-муҳит учун безарар

Анъанавий энергия манбалари захираси чеклангани ва экологик муҳитга салбий таъсир ортиб бориши ҳозирги даврнинг глобал муаммоларидандир. Шу боис, дунё олимлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқарувчи қурилмалар самардорлигини ошириш бўйича бир қатор амалий ишларга қўл урмоқда. Жумладан, одамларнинг яшаш тарзини яхшилаш, атроф-муҳит, табиат бойликларидан унумли ва оқилонга фойдаланиш борасида замонавий инновацион ғоялар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хитойнинг нуфузли олий ўқув юртида ўқиб, билим ва тажриба орттириб қайтган ҳамюртимиз — Ўзбекистон Фанлар академияси У.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти катта илмий ходими Азиз Сафарбоевнинг илмий лойиҳаси ҳам шулар сирасига киради.

▶ Давоми 5-бетда

## ТАҲЛИЛ

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ — ЭЛ ХИЗМАТЧИЛАРИ

## Ислоҳотлар салмоғи ва истиқболи

Жорий йил бошида Президентимиз ташаббуси билан юртимизнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Бу лавозимга салоҳиятли ходимлар саралаб олинди. Энди улар эҳтиёжманд аҳоли, ишсиз одамлар ва ташаббускорлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этипти. Аслида ҳар бир фуқаро билан алоҳида гаплашиб, унинг дардини тинглаш, муаммосини бартавраф этишга ҳокимнинг вақти етмаслиги табиий. Шу боис, бугун жамиятда ҳоким ёрдамчиларининг ўрни алоҳида бўлмоқда.

▶ Давоми 4-бетда



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АКС ЭТТИРИЛГАН БОШ ҚОНУН



Мирзаюсуф РУСТАМБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳаёти ва ҳуқуқий университетининг бошлиғи, Конституциявий комиссия аъзоси

ва аънанлари, миллий ўзига хослиги ва менталитети, инсонпарварлик ва байналмилаллик ғояларини тарғиб этишга хизмат қилувчи жиҳатларни комплекс таҳлил қилишни тақозо этади.

Конституция аслида ҳамма учун тушунарли тилда ёзилиши, содда, раван бўлиши, нормалар аниқ белгилаб қўйилиши лозим бўлган, олий ҳуқуқий кучга эга, жорий қонунчиликнинг мустақкам базаси бўлиб хизмат қилувчи барқарор ҳуқуқий ҳужжат саналади. Конституциянинг ана шундай тамойилларга жавоб бериши давлатнинг узоқ йиллик барқарор тараққиётини кўзда тутувчи характерга эгаллиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон конституцияси деярли 30 йил мобайнида мамлакат тинчлиги ва барқарор тараққиётининг мустақкам ҳуқуқий мезони бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатлари ишончли ҳимоячиси, мустақкам қалқони сифатида инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, орзу-мақсадлари рўёбга чиқишга тўққинлик қилмаслик характерига эга бўлди.

Тарихий ҳақиқат шунки, турли халқлар учун бир хил даражада мос келадиган конституциялар, уларни яратиш учун моделлар, механизмлар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бошланиши 1-бетда

Тарихий ва бугунги зарурат

Ҳар қандай қонун-қоида, норматив ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, Конституциянинг ҳам яшаш даври бўлади. Боиси, замон шиддат билан ривожланаётган бир вақтда ана шу суръатга улғуриш, давр билан ҳамнафас бўлиш учун ҳуқуқий механизмларни ҳам такомиллаштириб бориш зарур.

Фақат инсон капиталига, унинг интеллектуал салоҳияти маҳсулига асосланаётган XXI асрда рўй бераётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий бўҳронлар, таҳликали таҳдидлар ва "оммавий трансформация"лар шароитида ҳуқуқий асосларни мустақкамлаш, ҳар қандай хатти-харакатнинг қонуний мезонини ишлаб чиқиш давр тақозоси ҳисобланади.

Конституция характери

Конституция давлатда ҳуқуқий муносабатлар мувозанатини, қонуний барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган асосий ҳужжатдир.

Шу боис, Конституцияга ўзгаришни киритиш "Конституция моҳияти", "Конституция табиати", "Конституция характери", "Конституция интизоми", "Конституция хусусияти" каби алоҳида тушунарларни ўрганишни, бунда дунё халқлари урф-одат

Иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий ифодаси

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан Конституцияга бир қатор ўзгаришлар киритилиши, аввало, тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятда мужассам бўлади.

Хусусан, тадбиркорлар қонунчилиқда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли экани тўғрисидаги норманинг асосий қонунга киритилиши нафақат тадбиркорлар учун имконият яратиши, балки мамлакат иқтисодий инфратузилмаси такомиллашувига хизмат қилади.

Агар тадбиркорга имконият яратилса, у бизнесини кенгайтиради, натижада илмчи ўрни яратиши ва ишсизликнинг олдини олади, кўпроқ даромад топади ва давлатга солиқ тўлайди. Хуллас, бу орқали бир қатор муаммоларнинг ўз-ўзидан олдини олишга эришиш мумкин бўлади.

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Фаол конституциявий ислохотлар шароитида Конституциямизга киритиш тақлиф этилаётган

ўзгаришларнинг асосий қисми айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, аҳолига яратиладиган шарт-шароитлар ва имкониятлар "Инсон қадри учун" тамойилига ҳар томонлама хизмат қилишга қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир", деб таъкидлагани, "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари", "Қонун устуворлиги", "Инсон қадри учун", "Инсон манфаатлари", "Дин ва эътиқод эркинлиги" каби фундаментал демократик тушунчалар реал ҳаётдан тобора мустақкам ўрин олиши янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганидан далolat беради.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 16 марта ўзгариш киритилган бўлса, уларнинг аксарияти давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, фақатгина 2014 йил 16 апрелда 32-моддага жамоатчилик назоратига доир нормалар киритилганидан ташқари инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид ўзгариш бўлмаган. Зеро, замонавий дунёда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни дунё стандартлари ва ҳуқуқий ҳужжатлари билан мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўғри, кейинги олти йил мобайнида Президент фармон ва қарорлари, қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш, қонун ва қонуний ҳужжатларни имзолаш каби чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, Асосий қонунимизга айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, илгари амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойили "инсон — жамият — давлат" дея ўзгаририлиб, уни миллий қонунийликнинг ва ҳуқуқий амалиётимизда мустақкамлаш фаол амалга ошириб келинмоқда. Бу, аввало, ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаёти, туриш-тарзи, моддий имкониятлари ва давлатга бўлган ишончи ошишида намоён бўлмоғи даркор.

Миранда қондаси

"Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз берган қўрсатмаларнинг барчасидан судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмагансиз, сиз давлат томонидан адвокат билан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундирганимиз".

Бу сўзлар америкалик айбланувчи Эрнесто Артуро Миранда томонидан айтилган бўлиб,

унинг номи билан "Миранда қондаси", "Миранда ҳуқуқлари" тушунчалари ҳуқуқшунослик соҳасига кириб келган. Аниқроғи айнан мазкур воқеадан кейин "Миранда қондаси" дастлаб сўроқ қилиш олдидадан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига унинг ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлаш тартибини бошлаб берган.

Бу борада айбланувчининг қандай ҳуқуқбузарлик содир этгани ва бунга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси қўлланилиши билиш, айбловга нисбатан ўз муносабатини билдириш ёки билдирмаслик, ҳар қандай пайтда ва сўроқ вақтига қадар ўзи танлаган адвокат билан холи маслаҳатлашиш каби муҳим қондалар бугунги кунда кўпчилик дунё мамлакатлари қонун амалиётидан мустақкам ўрин эгаллаган.

Таъкидлаш лозимки, "Миранда қондаси" ҳозирга келиб барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда умумэтироф этилган норма сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади

Ўлим жазоси энг оғир жазодир. Бу маҳкумнинг энг қимматли инсоний ҳаётдан маҳрум бўлиши билан белгиланади. Инсоният тарихида ўлим жазоси берилиши нисбий равишда қадимги Юнонистондаги Спарта ва Афина давлатлари ўртасидаги Пелопоннес урушлари натижалари билан боғлиқ бўлиб, қонун тарихчиси Фукидид маълумотида кура, аслида голиб Афина сардори Дидот ҳам бундай жазога қарши бўлган. "Табиатан ҳамма одамлар шахсий ва жамоат ҳаётида ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилишга мойил ва ҳеч қандай қонун уларни бунга тўққинлик қилмайди. Бир сўз билан айтганда, қаттиқ қонунлар ёки бошқа қўрқитиш воситалари билан одамлар бошқа одамларни табиатан мойил бўлган нарсаларни қилишдан сақлаб оладилар деб таҳмин тўла имконсиз ва аҳмоқлик бўлар эди", деб таъкидлаган эди Дидот.

Шу маънода Ўзбекистонда 2008 йилда ўлим жазоси бекор қилинган бўлиб, эндиликда буни Конституцияда аниқ белгилаб қўйиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни энг юқори нотага олиб чиқиш мақсада мувофиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "... демократик ва инсонпарвар ғояларни олий

қадрият даражасига кўтарган дунёдаги аксарият давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Чунки яшаш ҳуқуқи — ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган".

Бу билан Ўзбекистон ҳеч қачон ортга қайтмаслигини, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканини бутун дунёга аққол намоён қилган бўлди.

ЕХҲТ Парламенти Ассамблеясининг Ўлим жазосини бутун дунёда тақиқлаш тўғрисидаги резолюциясида "ўлим жазоси — инсонпарвар жазо эмас, балки инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган давлатларга муносиб бўлмаган ваҳшийлик ҳаракатидир, чунки у айбсиз шахснинг ҳаётидан маҳрум этилишига олиб келиши мумкин"лиги қайд этилган.

Ўлим жазоси қўлланилишини бекор қилиш Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг устувор йўналишига айланади. Ўзбекистон Республикасининг ўлим жазосини бекор қилишга доир сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, мамлакатнинг Асосий қонунидан мустақкамланган инсонпарварлик ва одиллик принципларини ўзида тўла акс эттиради.

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР ФИКРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЗАРУР ШАРТГА АЙЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Озода ИСЛОМОВА, Истанбул шаҳридаги Ўзбек хотин-қизларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раҳбари (Туркия):

— Бугун мамлакатимизда тарихий-сиёсий жараён, яъни ҳуқуқ ва бурчларимизнинг кафолати ҳисобланган Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар киритиш муҳокамаси қилинмоқда. Бу давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни янада мустақкамлаш ва инсон қадрини ошириш учун хизмат қилади.

Конституциямизнинг 22-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг чегарасидан ташқарида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиши ва уларга ҳоимийлик кўрсатишини кафолатлаши ватандошларимизнинг хорижда бўлса-да, ёлғиз эмаслигини ва унинг ортида Ўзбекистон турганини ифодалайди.

Шу боис, Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш жараёнига бефарқ бўлмаганимиз ва фаол бўлишимиз керак, деб ҳисоблайман. Чунки Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус нафақат ҳуқуқ ва бурчларимиз, балки келажагимизнинг кафолати ҳамдир.

Дунё глобаллашуви жараёнида инсон қадрини улғулаш каби олий қадриятларнинг Асосий қонунга киритилиши миллатнинг ҳуқуқий онги янада юксалишига катта туртки беришига аминман.

Биз, Туркиядаги ватандошлар, давлатимиз раҳбари томонидан хориждаги юрдошларимиз, хусусан, хотин-қизларга, уларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган сиёсатни ҳис қилаймиз. Хусусан, мен, ўзбек аёллари вакиласи, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамият раҳбари сифатида кўрсатилаётган эътибор ва раҳмюрликдан миннатдорман. Бугунги кунда биз Ўзбекистоннинг

Истанбулдаги Бош консулхонаси ва диаспора вакиллари билан ҳамкорликда катта марраларни қўзлаган ҳолда фаолият юритяпмиз. Мақсадимиз Туркияда таълим олаётган, вақтинча меҳнат қилаётган ёки яшаётган ўзбек хотин-қизларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

Раҳмонали ЖУМАЕВ, Токио чет тиллар университети докторанти, "AOIKAI Tashkent" ваколатхонаси раҳбари (Япония):

— Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқини диққат билан ўқиб чиқдим.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги энг долзарб ҳамда ўз вақтида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим ислохотлар, деб биламан. Чунки ҳар бир давлат ривожланиш даврида узининг Асосий қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиб бориши замон талаби ҳисобланади.

Албатта, Японияда ҳам бу ҳолат кузатилган. Замонавий япон жамиятида ҳам мамлакат Конституциясига ўзгариш киритиш буйича кўплаб баҳс-мунозаралар бўлиб туради.

Ўзбекистон фуқароси сифатида мен Асосий қонунимизни ҳозирги глобализация даврида замон билан ҳаммадан, энг муқаммал даражага келтириш жуда муҳим ва масъулиятли вазифа, деб биламан.

Сўнгги йилларда жамиятимизнинг яшаш тарзи, инсонларнинг дунёқароши буткул ўзгарди. Ватандошларимиз кечаётган ўзгаришлар, айниқса, амалдаги Конституцияни янада такомиллаштириш буйича ислохотларга бефарқ эмас. Ушбу жараёнда ҳар бир фуқаро ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашаётгани қувонарли ҳол.

Президентимизнинг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини қучатириш буйича тақлифлари жуда муҳимдир. Чет эл инвесторлари учун Янги Ўзбекистондаги

ҳар бир ўзгариш, айниқса, конституциявий ислохотлар катта аҳамиятга эга.

Уйлайманки, ушбу ислохотлар истиқболда мамлакатимизнинг дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида бўлишига замин яратилади.

Рамила РЎЗИ МАМАТЎЙ, Вена давлат университети магистранти (Австрия):

— Кўплаб ватандошларимиз қатори мен ҳам умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси билан тўлиқ танишиб чиқдим.

Конституция ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий пойдевори, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида акс эттирадиган Асосий қонуни ҳисобланади. Бош қонунимизга ҳозирги замон воқеаларидан келиб чиқиб, ўзгариш ва қўшимчалар киритиш эса давр талабидир.

Конституциямизга киритилаётган кенг қамровли янги нормалар ҳар бир соҳа, хусусан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жаҳдалардаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустақкамлаб, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилганини кўриш мумкин.

Ушбу конституциявий ислохотлар Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат сифатида эътироф этилиши ҳамда халқимиз фаровонлиги ва юртимизнинг янада раванқ топиши учун хизмат қилади.

Мазкур муҳим ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, мен Австрияда олаётган билим, кўникама ва тажрибаларим билан келажақда Ватанимиз ривожига ўз хиссамни қўшишга ваъда бераман.

Дилшод УММРОВ, "Reisbank AG" банки ходими ва ўзбекистонлик ёшлар клуби раҳбари (Германия):

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг долзарб мавзулардан бири — бу конституциявий ислохот

лар, десам нотўғри бўлмайди. Германиядаги кўплаб ватандошлар бу ўзгаришларни диққат билан қўзатиб борапти.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етуқ инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратиши буйича тақлифлари республикадаги кўплаб ватандошлар билан тенгдошларим ушбу ислохотларга хайрихолик билдиришмоқда. Бундай ёндашув ёшларнинг Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётига бефарқ эмаслигиндан дарак беради.

Асосий қонунга киритилаётган янги нормалар Ватанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига аминман.

Фарида КАРИМОВА, Шанхай шаҳридаги "Adidas Group" компанияси ходими (Хитой):

— Президентимизнинг Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар киритиш буйича билдирган тақлифлари республикадаги янада фаровонлаштиришга хизмат қилади, деб уйлайман.

Давлатимиз ривожланиб борагани сари Конституцияни ҳам такомиллаштириб, демократик тамойилларга мослаб бориш зарурияти туғилмоқда. Бу борада берилган тақлифларга синчковлик билан эътибор берилса, уларнинг халқ ва давлат ривожига учун қанчалик муҳим эканини кўриш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, охириги вақтларда Ўзбекистонда "снос" ва кўчмас мулк масалалари буйича турли тортишувлар юзага келганди.

Президентимизнинг ушбу муҳим масала юзасидан берган тақлифлари ва уй-ҳақ буйича конституциявий кафолат белгиланиши ўз вақтида бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонга хорижий инвесторларни жалб қилиш борасида ҳам жадал ишлар олиб борилаётди. Конституцияда хусусий мулкнинг ишончли кафолатлари ва ҳимояси белгилаб қўйилиши Ўзбекистонда тадбиркорлик янада ривожланишига ҳамда хорижий инвесторлар сони ошишига асос бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...Токи, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис қилсин. Ривожланган давлатлардаги каби бундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли товон пулисиз, мулкдан маҳрум этилмасин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар тез орада халқимиз ва давлатимиз ривожига ўз ифодасини топади, деб ишонамиз.

Амирхон АНОРҚУЛОВ, Германияда "Эрасмус" дастури асосида таҳсил олаётган ватандош:

— Мамлакатимизда Бош қонунимизга янгиликлар киритилмоқда. Ушбу қўшимчалар, биринчи навбатда, Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги Конституция лойиҳасида "Инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун" деган олижаноб ғоя илгари суриляпти. Янгиланаётган Бош қонунимизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши зарур.

Президентимизнинг тақлиф этаётган "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилини мустақкамлаш ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бу ерда "инсон қадри" тушунчаси "ижтимоий давлат" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча шахсларнинг қўллаб-қувватлаш бу ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир, деган ёндашувни ҳам маъқуллайман.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳбарлигидаги ислохотлар айнан биз ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Хусусан, мен Ўзбекистон ёшлари вакили эканимдан фараҳланаман ва келажақда Ватанимиз ривожига ўз хиссамни қўшиш истагиданман.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ТАҲЛИЛ

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ — ЭЛ ХИЗМАТЧИЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

— Жорий йилнинг 7 июнь куни Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисида ҳоким ёрдамчилари фаолияти чуқур таҳлил қилинди. — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Тolibжон Юсупов. — Қайд этиш жоизки, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини рақамлаштириш, уларнинг ишини инсон омилсиз мониторинг қилиш ва баҳолаб бориш учун "Online-mahalla.uz" платформаси ишга туширилган. Шунга асосан, энг муҳим кўрсаткичлари бўйича Наманган вилоятида 513 та ҳоким ёрдамчиси фаолияти "қониқарли", 217 нафариники эса "қониқарсиз" деб топилди.

Дарҳақиқат, ҳоким ёрдамчилари лавозими ташкил этилиши туфайли халқ билан ишлашга, уларнинг арзини эшитишга катта имконият туғилди. Ҳоким вакиллари уйма-уй юриб, беморлар, ишсизлар, уюшмаган ёшлар билан тизимли ишламоқда.

— Вилоятимизда 784 нафар ҳоким ёрдамчиси саъй-ҳаракати билан январь ойидан буён 140 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди, 522 мингдан ортиқ хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилди ва иқтисодий аҳолига кўра тоифаланди, — дейди вилоят Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шокиржон Имомов. — Урганиш мобайнида 224 мингдан ортиқ хонадоннинг доимий даромад манбаига эга экани, 94 мингдан зиёд хонадоннинг даромади камлиги, бироқ уларда камбағалликдан чиқиш учун интилиш борлиги аниқланди. Худудларда инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳам кўзга ташланди. Фуқаролардан газ таъминотига доир 1 771 та, электр энергиясига оид 1023 та, сув таъминотида оид 338 та, йўл-транспортга тегишли 296 та муурожаат бўлди.



**66** ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ЛАВОЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТУФАЙЛИ ХАЛҚ БИЛАН ИШЛАШГА, УЛАРНИНГ АРЗИНИ ЭШИТИШГА КАТТА ИМКОНИЯТ ТУҒИЛДИ. ҲОКИМ ВАКИЛЛАРИ УЙМА-УЙ ЮРИБ, БЕМОРЛАР, ИШСИЗЛАР, УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАМОҚДА.

Аҳолининг амалий режа ва истакларига мувофиқ, 7300 фуқарога 150 миллиард 300 миллион сўм кредит, 1790 кишига эса 2 миллиард 300 миллион сўм субсидия, 45 минг 800 фуқарога ўн йил муддатга ижара асосида ер ажратилди. Натижада шаҳар ва туманларда 4600 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 68 минг 600 киши ўзини ўзи банд қилди. 8867 фуқаро касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Инвестиция дастурига кирмаган 1,7 мингта "маҳаллабай" лойиҳа шакллантирилди. Вилоятдаги маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари" худудларнинг аънаналари ва турмуш тарзиндан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Хусусан, маҳаллаларнинг 202 таси деҳқончилик, 72 таси кичик ишлаб чиқариш, 45 таси паррандачилик, 101 таси хизмат кўрсатиш, 154 таси чорвачилик каби соҳаларга ихтисослаштирилди.

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жами 432,3 миллиард сўм йўналтирилди. Намуна сифатида вилоятдаги йирик "Golden Egg of Namangan" паррандачилик корхонаси томонидан 1 282 та хонадонга 100 тадан жами 110,6 мингта парранда ва унинг озуқаси тарқатилди.



## Мономарказлар ва кичик саноат зоналари

Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" кичик саноат зонасида умумий қиймати 227,3 миллиард сўмлик жами 46 та лойиҳани амалга ошириш орқали қўшимча 4 535 та янги иш ўрни яратилди. 58 та маҳалладан иборат вилоят марказининг асосий драйверлари трико-таж буюмлар ишлаб чиқариш ва хунармандлик этиб белгиланган. Бандлик ва

ларини ўрганишда. Қисқа вақт ичида ўқув курсларини муваффақиятли тугатганлар Жанубий Кореядаги етакчи олий таълим муассасалари грантларига ҳамда мавсумий ва доимий ишга бориш учун визага эга бўлади.

## Нурли кўчасидаги гавжум хонадон

Уйчи туманининг "Ёркатай" кичик саноат зонасида эса қиймати 108,5 миллиард сўмлик 26 та лойиҳани ишга тушириш орқали 796 та янги иш ўрни очилди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Дилмурод Нурматов Уйчи ишсизликдан холи худудга айланаётганини таъкидлади.

Нодирбек Убаев ҳоким ёрдамчиси бўлган "Соку" МФИда иш намунали йўлга қўйилган. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун худуддаги ҳар битта етакчи тадбиркорга кооперация асосида йигирматадан хонадон бириктирилди. 56 фуқаро туман корхона ва ташкилотларига ишга жойлаштирилди. 54 фуқарога ўн сотихдан ер ажратилди. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга 111 миллион 530 минг сўм кредит олиб берилди. 31 фуқаро касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда. Маҳалла худудида бешта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 16 та иш ўрни яратилди. МФИдаги бўш ётган бинода аҳолига хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилиши натижасида 12 фуқаро ишли бўлди. 14 миллион сўм ҳомийлик эвазига маҳалла фуқаролар йиғинининг рамзий дарвозаси қад ростлагани худудга узгача кўрқ бағишлади. Бундан ташқари, 1,5 километр йўлга шағал тўкилди, маҳаллада 2 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. 3,7 сотихли чиқинди хона бора эди, ушбу қаровсиз ер ободонлаштирилиб, 200 туп арча, 5 минг туп терак қаламчалари ўтказилди.

"Ҳўжаобод" МФИнинг Нурли кўчасида яқна тартибдаги тадбиркор, "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, уста кулол Илҳомжон ака Тўхтамирзаевнинг оилавий кичик корхонаси жойлашган.

— Йигирма турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган бу хонадонда доимий ишловчи хотин-қизлар 30 нафарни ташкил этади. Шу ерда иш ўрганган яна 20 аёл уйда ўтириб, идишларга безак бериш, қадоқлаш билан шуғулланади, — дейди суҳбатдошимиз, "Ҳўжаобод" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Ҳаётбек Юсупов. — Маошлари қилган меҳнатига қараб белгиланади, кунига ўртача 80-100 минг сўмгача олишади. Бежирим маҳсулотлар қўшни Қирғизистонга экспорт қилинапти, ички бозорда ҳам харидорлари.

Бу маҳаллада ўтган беш ой давомида 172 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Деҳқончилик қилиш истагидаги 45 фуқаронинг ҳар бирига ўн сотихдан ер ажратилди. "Нодирбек Нодир" МЧЖ тивувчилик йўналишида фаолият бошлади ва 25 аёлни иш билан таъминлади. Битта мебель корхонаси фойдаланишга топширилиб, етти фуқаро ишли бўлди.

## Учқўрғоннинг форель балиқлари

— Аҳолининг тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш борасида ҳокимларнинг маҳалладаги ёрдамчилари лавозими ташкил этилиши маҳаллий бошқарув органларини халққа янада яқинлаштирди, — дейди Молия вазирлигининг Учқўрғон туманидаги вакили Акмалжон Абдуназаров. — Туманда жорий йил бошдан 33,3 минг хонадон хатловдан ўтказилди, иқтисодий аҳоли тўлиқ урганилди. Биринчи чоракда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этишга жами 21 миллиард сўм сарфланди. Январь-май ойларида қарийб 20 минг фуқаронинг бандлиги таъминланган бўлса, шундан 13 минг 646 нафарга яқини айнан ҳоким ёрдамчилари ҳиссасига тўри келади.

Туман бўйича 887 гектар ер 5857 нафар фуқарога мақсадли фойдаланиш учун ажратиб берилди. 153 та юридик ва 168 та яқна тартибдаги янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши натижасида 364 та янги иш ўрни очилди. Шунингдек, маҳаллаларда хизмат кўрсатиш йўналишида 230 та янги иш ўрни яратилди. "Golden Egg of Namangan" паррандачилик корхонаси томонидан 110 та хонадонга 9,2 мингта парранда озуқаси билан тарқатилди. Энди ҳисоблаб кўринг, битта хонадон 100 та паррандадан бир ойда 2 минг 500 та тухум олади ва бу 2 миллион сўм қўшимча даромад дегани. Биринчи чорак мобайнида етакчи тадбиркорларнинг иккита лойиҳасига 4 миллиард сўм кредит ажратилиб, 165 та иш ўрни яратилди. "Open Budget" портали орқали ишлаб чиқариш маҳаллаларини ривожлантиришга жами 7,1 миллиард сўм йўналтирилди ва энди уларнинг инфратузилмасидаги йўғилиб қолган муаммолари ижобий ҳал этилади.

"Учқўрғон форель балиқлари" МЧЖ томонидан 34 миллиард сўмлик йирик лойиҳа ҳисобига 700 та иш ўрнига эга, йиллик экспорт ҳажми 1,4 миллион доллардан иборат балиқчилик кооперацияси ташкил этилган.

Фаровон маҳалласи худудида "Соҳил" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Акмалжон Убайдуллаевнинг ўзи томонидан ташкил этилган умумий қиймати 1 миллиард сўмга тенг балиқ етиштириш ва экотуризм лойиҳаси кўпчилигининг диққатини тортиди. Айни лойиҳа ижроси билан кооперация асосида 35 та ишчи ўрни яратилмоқда.

## Бир маҳалла — бир маҳсулот

Наманган туманининг "Олаҳамак" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Муҳаммад Ҳайдаров 22 та йўналишда 1400 нафар ишсиз фуқарони касб-хунарга ўқитиб, мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашни режалаштирган, умумий қиймати қарийб 12 миллиард сўмлик мономарказ лойиҳаси билан таништирди.

— Маҳаллаимиз драйвери чорвачилик, иссиқхона ва деҳқончиликдан иборат. Хонадонбай ўрганиш натижасида худудимизда яшаётган 4 137 нафар аҳолидан 195 нафари ишсиз экани аниқланди, — дейди "Қоракўл" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Дилмурод Маърапов. — Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 142 нафарига аукцион орқали "Отавали 10" фермер ҳўжалигидан ижарага 10 йил муддатга 10 сотихдан ер берилди. "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида кунгабоқар экишга келишилди.

## Бунёдкордаги файзли гузар

Давлатобод туманининг Янги тонг маҳалласида ҳоким ёрдамчиси Даврон Солиев ташаббуси билан ташкил этилган "United IT Clubs" академиясида 1,2 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ерда 129 нафар тингловчи дастурчилик ва дизайнлик курсларида сабоқ оляпти. 16 нафар талаба ўқишни тугатгач, иш билан таъминланди.

"Юксалиш" МФИ ҳоким ёрдамчиси Сардорбек Раҳмоновнинг маълум қилмишича, худудидаги кулоллик микромаркази учун мўлжалланган 5 гектар майдонда 31 хунарманд ўз устахонасини очган. Марказда яқин вақт ичида 28 миллиард сўмлик лойиҳалар рўёби билан 1 800 та иш ўрни яратилади.

Янги Наманган туманининг Бунёдкор маҳалласи бошқаруви идораси 2500 дан зиёд китоб билан тўлдирилган кутубхона, маданият маскани ва давлат хизматлари марказини ўз ичига олган файзли гушадир. IT марказ 20 та компьютер билан жиҳозланган бўлиб, бир кунда 60 ўқувчининг бошланғич компьютер саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, маҳалла худудида очилган касб-хунарга ўқитиш марказида айни пайтда тивувчилик, IT, сартарошлик ва пазандалик каби йўналишларда таълим берилмоқда. 150 ўринга мўлжалланган 61-мактабгача таълим



ташкilotида болажонлар учун барча қўлайликлар муҳайё.

"Бунёдкор" кичик саноат зонасидаги "Home textile" корхонасида тайёрланаётган тивувчилик маҳсулотлари Европа ва МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Аҳамиятлиси, 200 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган.

## Косонсойнинг "ўсиш нуқталари"

59 та маҳаллага эга Косонсой тумани Намуна маҳалласида ташкил қилинаётган аҳолига хизмат кўрсатиш микромарказида бугунга қадар 17 та хизмат кўрсатиш шоҳобчаси барпо этилиб, 410 та янги иш ўрни яратилди. Шу маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Аҳоржон Миртазоев биринчи босқичда 570 та хонадонда хатлов ўтказиб, кредит олиш учун талабгорлар, ер олиш, касб-хунар эгаллаш, кооперация асосида ишлаш истагида бўлган фуқароларни ажратди. Шунингдек, аҳолини қийнаётган масалалар — йўл, ичимлик суви, электр муаммоларини ўрганиди, уларни бартараф этиш чораларини излади. 92 нафар фуқарога имтиёзли кредит, 32 кишига субсидия олиб бериш, хизмат кўрсатиш, тадбиркорликнинг бошқа йўналишларига жалб этиш йўли билан 878 фуқаронинг бандлиги таъминланди.

— 27 ёшдаман. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилган лавозимга суҳбат асосида ишга ўтдим. Ҳозир Косонсой туманидаги "Боғибаланд" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси сифатида бор имкониятимни ишга солимоқдам. Одамларнинг "Бўлар экан-ку!" деган ҳаяжонли сўзлари бизга янада куч, шижоат уйғотмоқда, — дейди Мухриддин Баҳриддинов. — Хатлов жараёнларида 686 та хонадоннинг ҳар бирига кириб, оилаларнинг 3585 нафар аъзоси билан суҳбатлашдим. Маҳалла аҳли деҳқончилик, чорвачилик ва иссиқхоначилик билан шуғулланиб келади. Хусусан, маҳалла худудидаги "Kushon textile group" корхонаси томонидан кооперация асосида 53 нафар хотин-қизнинг уйига тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Улар фарзанд тарбияси ва рўзгор ишларидан бўш вақтда ишлаб, ўртача 2 миллион сўм қўшимча даромад топлмоқда. Йил охиригача кооперацияга 90 нафар хонадоннинг жалб этилиши ўз олдига мақсад қилиб қўйдим. Бундан ташқари, маҳаллада кам қувват билан ишлаётган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш комплексига Туркиядан инвесторлар жалб этган ҳолда ва 1,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит орқали қўшимча 100 та ишчи ўрни ташкил этилди.

Кам даромадли, жамиятда ўз ўрнини тополмаётган 21 нафар хонадон эгаси ишлаб чиқариш кооперациясига аъзо қилинди, икки нафарига субсидия асосида енгил конструкцияли иккам иссиқхоналар қуриш учун тавсия берилди. Маҳаллада иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ 17 хонадон соҳибини кам даромадли хонадонларга бириктириш орқали бу оилаларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда.

## Орзу-армонлари ушалаётган одамлар

Поп туманидаги Ором маҳалласи худудидаги иссиқхона комплекси 81 гектардан иборат. Бу ердаги қиймати 83,7 миллиард сўмлик лимонарий лойиҳаси тўлиқ амалга ошса, 800 та иш ўрни очилади. Иссиқхонадан 50 нафар тадбиркорга 1 гектардан, 29 нафар тадбиркорга 20 сотихдан ер ажратилган. "Туронбан" томонидан 62 тадбиркорга 3,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Ҳозир бир гектарли иссиқхонада пиланган 70 тонна помидор Россияга экспорт қилинди. Даромад ўртача ҳисобда 700-800 миллион сўмини ташкил қилди. Ушбу иссиқхоналарда тадбиркор



деҳқонлар томонидан лимон, помидор, бодиринг, булғор қалампир, баклажон, серҳосил турдаги мандарин ва ошқовоқ етиштириш йўлга қўйилган.

— Маҳалламиз туманининг тоғли худудида жойлашган. Тоғ ён бағрида яйловлар кўплиги боис, аҳолиимиз азалдан эчкичилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади, — дейди "Маданият" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Собирали Ботиров. — Иш фаолиятининг дастлабки кунларида 1247 та оиланинг турмуш тарзини, қизиқишларини, орзу-армонларини хонадонбай таҳлил қилдим. Маҳалланинг чорвачилик, тўқимачиликка ихтисослашувига асосланган режаларини "йўл харитам"да аниқ белгилладим. Бугунги глобаллашув жараёнида қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ислохотларни ўз маҳалламда амалиётга татбиқ этаман. Келгусида маҳалламиздаги ҳар бир хонадонда эчки ва кўй бўлади.

Дарҳақиқат, кенг қаровли саъй-ҳаракатлар, ўрганса, тарғиб этса арзийдиган тажрибалар бисёр. Юқоридagi тизимли ислохотлар мазмун-моҳияти мамлакатда нафақат камбағалликни қисқартириш, балки унинг олдини олишга қаратилгани билан ёдимизга муҳрланди.

Орифжон Жўраев,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

БУГУННИНГ ГАПИ

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

сифатли кадрларни тайёрлашнинг кафолатига айланмоқда

Кейинги йилларда амалга оширилётган туб ислохотлар натижасида Навоий давлат педагогика институтида таълим сифати ва самардорлигини ошириш, педагог-ҳодимлар мақомини янада юксалтириш, "талабабай" ишлаш тизимига ўтиш борасида муайян ишлар бажарилмоқда.

Баҳодир СОБИРОВ, Навоий давлат педагогика институти ректори, техника фанлари доктори, профессор



Институт талабаларининг бандлигини таъминлаш бўйича факультетлар ва курслар кесимида суҳбатлар ўтказилди.

Бир гуруҳ талабалар учун Навоий шаҳри ва Кармана туманидаги ишлаб чиқариш корхоналарида "Бизнес саёҳат" лойиҳаси ташкил қилинди.

Қолаверса, институтда ишис талабаларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган меҳнат армаркисидан Навоий шаҳридаги 68 та корхона ва ташкилот мавжуд 175 та бўш иш ўрни

ҳавасим келди. Гуруҳимиз қизлари билан пазандалик ва қандолатчилик сирларини ўрганишга қарор қилдик.

Навоий давлат педагогика институтига ишга қабул қилинган 60 нафарга яқин талаба ва магистрант билан учрашув ўтказилди.

Шунингдек, институтда вилоят бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда бандлик маркази ташкил этилди.

Урганишлар натижасида бандлик маркази ҳамда Халқ банкининг электрон базаси орқали 912 нафар талабанинг бандлиги таъминлангани аниқланди.

Ҳозир Навоий давлат педагогика институти тасарруфидоги мавжуд аудитория ва хоналарда ўқув курслари ташкил қилиш мақсадида мурожаат қилган 42 нафар талабага тикувчилик, қаламтаъсир, рантасвир, композиция, чизмачилик, тақинчоқ ясаш, дизайн-роқ, инглиз тили, компьютер саводхонлиги, математика, рус тили, ментал арифметика, кимё, психология, география, биология, она тили ва адабиёт, миллий хунармандлик каби 20 та йўналишда тўғрақларидан банд экани ҳамда 853 нафар талаба ишлашга эҳтиёжи борлиги, қолган талабаларнинг иқтисодий аҳоли барқарорлиги ҳамда ишлашга эҳтиёжи мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шундан сўнг Навоий вилояти ҳоқимлиги, вилоят бандлик бош бошқармаси ва Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида "Ишга марҳамат" моно-марказида ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркиси ташкил этилди.

Хуллас, олий таълим муассасасида талабалар бандлигини таъминлаш ва бу жараёни доимий назорат қилиш, вилоятдаги мавжуд иш ўринлари прогнозидан доимий хабардор бўлиб, эҳтиёжманд талабалар бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИЛМ-ФАН

ПЕРОВСКИТ ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

камҳаражат, қулай ва атроф-муҳит учун безарар

Бошланиши 1-бетда

Асли Беруний туманидан бўлган бу йигит Хитой Фанлар академиясининг Циндао биожаъоналар ва биоэнергетика технологияси институтида 2016-2020 йилларда тахсил олди.

— Экологик муҳитга зарар етказмайдиган барқарор энергия манбалари орасида қуёш энергиясидан фойдаланиш Алоҳида ўрин эгаллайди.

лотлари захираси 500,3 миллиард тонна, табиий газ захираси 404,4 триллион куб метрни, кўмир захираси эса 6,5 триллион тоннани ташкил қилади.

— Ҳозирги пайтда қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш қурилмаларида ишлатилаётган кремний



Лаборатория шароитида перовскит қуёш элементларининг самардорлигини ошириш ва яроқлилик мuddати каби турли параметрларини тадқиқ қилиш мақсадида "спин коатинг" усули жуда кенг қўлланади.

ПЕРОВСКИТ ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛИБ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ТЕЖАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

танқислиги муаммоси мавжуд, — дейди Азиз Сафарбоев. — Демак, кремний ўрни босувчи яримўтказгич материаллар яратиш ва ишлаб чиқариш долзарбдир.

Хулоса шунки, перовскит қуёш элементлари истеъмолчилар учун фойдали бўлиб, электр энергияси учун тўловларни тежаш имконини беради.

Гулсум ШОДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Қадимий афсоналарда анор "мевалар шоҳи", дея эътироф этилган. Ушбу мева ўзида кўплаб шифобахш хусусиятларни мужассам этади.

МИКРОКЛОНАЛ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

юртимиз анорчилиги ривожига хизмат қилади

Шуни эътиборга олган ҳолда, мавжуд маҳаллий анор навларини генетик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда биотехнологик усулда (in vitro) кўпайтириш ва клонлаштиришнинг оптимал шароитини аниқлаш ҳамда касалликлардан холи "соғлом" кўчатларини олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Микроклонал кўпайтириш ёки тўқималарни экиш ўсимликни тўқималардан етиштиришда замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда кўп миқдорда, наводорлиги юқори, соғлом ўсимликларни олиш ва тез кўпайтириш амалиётидир.

кўчатнинг илдиз олиши, тупроқ шароитига мослашиши учун зарур амаллар бажарилиб, иссиқхона шароитида ўстириш ёки очик майдонга чиқариб экиш учун етказиб бериллади.

бошлангич экиш материаллари, яъни она ўсимлик боғлари ташкил этилиб, юқори селекцион кўрсаткичлари сақланади.

етиштирилган "соғлом" анорнинг қозоқи, қайин анори, туятиш, жавдари, қорадон аччиқ, дашнабод ва қорабөөв каби навлари частиштирилган ин-витро оналик боғи ташкил этилди.

АНОРНИНГ ГЕНЕТИК ПАСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ин-витро усулида боғ яратилди, бир неча киши иш билан таъминланди, озми-кўпми иқтисодий

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



## БОҚИЙ МЕРОС

## СЎЗ ҚАДРИ

# Хоразмда биринчи ЛИТОГРАФИЯНИ КИМ, ҚАЧОН ОЧГАН?

Ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилган ва муҳим таянчларидан ҳисобланган Хоразм воҳаси қадимдан илм-фан ва маданият ривожланган ҳудудлардан бири бўлиб келган. Хоразмда кечган маданий жараёнларда бошқа марказлар каби Хива шаҳри ҳам муҳим роль ўйнаган. Унинг йирик маданий маркази сифатида аҳамияти, айниқса, Хива хонлиги даврида янада ошди. Бу даврда шаҳарда илм-фан, тарихнавислик, шеърят, хаттотлик, мусика санъати ривожланган. Ўрта Осиёда тошбосма асосида китоб босишга ҳам Хива шаҳрида асос солинган.



**Юлдузхон РАҲМОНОВА,**  
Урганч давлат  
университети  
тузилмасидаги Қатагон  
қурбонлари хотираси  
музейи директори, тарих  
фанлари номзоди, доцент

Шаҳар маданий ҳаётида турли кутубхоналарнинг ўрни катта бўлган. Улар, асосан, ҳукмдорлар саройи, амалдорлар уйи, мадрасаларда жамланганди. Жумладан, Хива хонлари бой кутубхонага эга эди. Улардан бири Муҳаммад Раҳимхон II бўлиб, жуда катта кутубхона ташкил қилган. Бу ерда ҳукмдорлар топшириғи билан ёзилган мамлакат тарихи, уларнинг муаллифлари ҳақидаги китоблар анчагина эди.

В.В.Бартольд Хива тарихини ёзган муншйлар Бухоро ва Қўқон тарихчиларидан фарқи ўлароқ, воқеаларни аниқ, изчил баён қилганини таъкидлайди. XIX аср охири — XX аср бошларида Тозабогдаги саройда 200 та нодир қўлёзма тўпланган. Қўҳна Аркиннинг қўриқонага қисмида 500 китоб фондига эга форс, араб, чигатой, турк, татар ва нўғай тилларида ёзилган қўлёзмаларга бой кутубхона бор эди. Ундаги қўлёзма асарлар хаттотлар маҳорати билан юқори санъат намунаси даражасига кўтарилган.



Хивада яшаган олим, шоир, фозил кишилар хуснихатда донгдор бўлган. Улардан Ҳамдамий (XVI аср биринчи ярми), Мавлоно Нависий (XVI аср биринчи ярми), Мунис Хоразмий (XVIII аср охири — XIX аср бошлари), Абдузоҳид Котиб (XIX аср), Муҳаммад Юсуф Баёнӣ (XIX-XX аср боши), Рोजий (XIX аср) машҳур хаттотлар эди. Улар Хоразм хаттотлик мактабига асос солиб, ривожлантиришди.

Мамлакат бойлиги ҳисобланган асарлар чор империяси босқини натижасида талон-торож этилди. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхоннинг шаҳардаги хазинасидан 20 та олтин, 5 та қумуш, бошқа металллардан ясалган 200 дан ортқ муҳр қаторида нодир китоблар ҳам олиб кетилган. Шарқшунос А.Куннинг гувоҳлик беришича, хазинадан 129 та ноб китоб ва 140 та боғлам тарихий қўлёзмалар, шарқ шоирларининг 30 жилддан иборат девонлари, фикҳ (ислом қонуншунослиги) ва динга оид 40 номдаги 50 жилда асар, 18 нусха Қуръон ва 50 та дарслик китоб олинди, Петербургдаги Император кутубхонасига жунатилган.

Хон саройидан мусодара қилинган жами 300 тақа қўлёзманинг кўпи тарихий асарлар эди. Улар орасида Алишер Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон кабилар қаламига мансуб “Хамса”, “Қиссаи ул-анбиъ”, “Тавсифи Қуръон”, “Равзат ус-сафо”, “Китоби рамль”, “Достони Қосим ва Гўрғули”, “Масави Шариф”, “Баҳром Хамсаи Нарвон”, “Китоби Саид”, “Тавсифи Кабир”, “Шажаари турк” каби китоблар бор эди. XIX асрда Хивада бўлган муаллифлардан бири бу ерда Беруний асарларини учратиб, унинг 22 та асари рўйхатини келтирди ва улар ҳали Россияда ўқилганини эътироф этади. Бошқа бир муаллиф қимматбаҳо қўлёзмаларни тўралар ва машҳур руҳонийлардан тезда топшиш мумкинлигини қайд этиб: “Эски қўлёзмалардан бири Абулғозийнинг “Шажаари турк” асаридир. Шунингдек, Мир Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари бор. Иккинчи туркумдаги китоблар чигатой тилида форсчадан қилинган таржима асарлар киради. Оллоқулихоннинг сарой муншйи Хубиқули хўжа форс тилидан таржима қилиш

Мунис (1874) китоби эди. Кейинчалик Шермуҳаммад Муниснинг “Мунис ул-ушшоқ” (1879), Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” (1880) ва “Хазойин ул-маоний” (1882), Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Тавъиз ул-ошиқин” (1882), Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг “Девони Феруз” (1897), “Мажмуот уш-шуаро” (1909) китоблари босилди. Дастлаб бу асарлар, асосан, совға учун нашр этилган. Буни куйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. XX аср бошларида Хивада бўлган рус шарқшуноси А.Самойлович: “Хивага келгандан кейин мен 70-йилдан мавжуд ягона литография шу ерда борлигини кўрдим ва унинг хонга қарашли эканини билдим. Литография ўзининг доимий биносига эга эмас, ташқаридан буюртмалар олмайди, бир неча йиллар давомида ишламай ҳам туради. Чоп қилинган китоблар сотувага чиқарилмайди, улар хон томонидан совға қилинади”, деб қайд этади.

“Хивадан кетишдан олдин мен Отажон тўрадан Хивада ягона турк тилида ёзилган иккита китоб: “Равзати-сафо” — Эрондаги кожалар сулоласи тарихи ва “Шоҳнома” — ҳозирги Хива сулоласи тарихини

олдим. Китобнинг биринчи саҳифасига Аҳмад тўра совға ҳисобидан ўз муҳрини босиб берди, дея ёзган эди А.П.Хорошхин.

Маълумотларга кўра, “1908 йил баҳорда хоннинг литографияси Тозабогдаги саройнинг жанубий қисмида, қишда Қўҳна Аркиннинг фарбий қисмида жойлашган Чордара биносидан ишлаб турарди. Босмага тайёрланган асарнинг нусхаси литографик сийёҳ билан кўчирилган, тошга туширилган. Илгари бир саҳифа битта тошга туширилган бўлса, эндиликда 4 саҳифа жойлаштирилган эди. Босма дастгоҳ қўл билан ҳаракатга келтирилиб, ишчилардан биттаси қўлбарақни айлантурса, иккинчиси қоғозларни алмаштириб турган. Учинчи ишчи эса ҳарф туширилган думалоқ тошларга бўёқ суртиб турган. Уларнинг ишини эса уста назорат қилиб туради”.

Босмахонада маҳаллий аҳоли вакиллари хизмат кўрсатган. Улардан бири 1874 йил босмахонада ишлаган Отажон Абдалов (1856-1939) бўлиб, у ҳақда бир-бирини инкор этувчи қўлаб маълумотлар бор. Айрим муаллифлар уни босмахонанинг асосчиси деса, яна бирлари Бешариқ кишлоғидан келиб, эронлик Иброҳим Султонга шогирд тушган ўзбек йигити, бошқалари Тўртқудгаи рус-тузем мактабидан келган туркман, деб ёзади. Аслида бу шахс боготлик бўлиб, умрининг охиригача матбаачилик билан шуғулланган.

Хивадаги литографияда китоб босиш ишига катта ҳисса қўшган шахслардан бири хон девонхонаси бошлиғи Муҳаммад Расул Паҳлавон Мирзабоши (тахаллуסי Комил Хоразмий) эди. У ҳақда замондошлари: “Муҳаммад Расул Мирзабоши мусикашуносликдан ташқари хаттотликда ҳам машҳур эрди. Таълиқ ва насх хатларини хийлигина гўзал ёзар эрди. Муҳаммад Раҳимхон ва Афандиёр хонларнинг амри билан бир неча китобларни ёзиб



1876 й. Нисоб сийёҳ. Китобидаги К.Хоразмий девони. Хива тошбосмаси.

чиққондур. Тақрибан беш юз кишига хат таълим бергандур”, деб ёзган эди. Комил Хоразмий 1880 йил жуда катта меҳнат эвазига Алишер Навоийнинг “Хамса” сини бир китоб қилиб босмага тайёрлади ва унга 3 саҳифали кириш сўзи ёзди.

Шу йили “Девони Комил” номи остида ўз китоби босилиши билан бир қаторда Комил Хоразмий Ёқубжон ибн Иброҳимхўжа Хоразмийнинг “Девони Холис” китобига сўзбоши ёзди. Келгуси йили эса унинг сая-ҳаракатлари билан Алишер Навоийнинг яна бир йирик асари — “Хазойин ул-маоний” (1613 бет) босилиб чиқди. 1882 йили Огаҳийнинг “Тавъиз ул-ошиқин” девони (540 бет), 1897 йили Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг “Девони Феруз” ғазаллар тўплами Комил Хоразмий сўзбоши билан нашрдан чиқди.

Хива ҳукмдорларининг ўзбек давлатчилиги аънаналари асосида олиб борган сийёсати натижаси, китобга муҳаббати, ижодкорларнинг нобъ иқтидори асосида яратилган бой асарлар — Хоразм хонлигининг тафаккур ҳазиналари бугунги кунда нафақат ўзбек халқининг, балки умуминсоният нобъ тарихий ва маданий меросининг бир бўлағи ҳисобланади.

## МИЛЛАТНИНГ УЛУҒЛИГИ ТИЛ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ БИЛАН ЁХУДА “Инсон қасидаси”нинг бардавом умри

**Қундуз НИШОНБОВА,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди

Шундай даҳо ижодкорлар борки, улар яратган асарларни миллионлар қалб мулки, маънавиятимиз жаҳоидлари сифатида қадраймиш. Даврлар ўтади, улар таъсирида юзлаб истеъдодлар камол топиб юқори чўққиларни забт этади. Ўз навбатида, бу шахслар даҳо ижодкорларни ўзларининг устозлари деб билишади. Ҳайратанарлики шундаки, ана шу устозлик ва шогирдлик муносабатларига ҳатто улар яшаган давр ораллигидаги юзлаб йиллар ҳам монне бўлмайди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг кўлами ниҳоятда катта. Том маънода айтиш мумкинки, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари қадам ташлади. Бу юксалиш ва ўзгаришлар замирида илм-фан, адабиёт, санъатга улкан эътибор ётишини мамлакатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир нутқида қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Миллатнинг борлигини, улғулигини намояндалар эътибор турувчи жиҳатлар, бу унинг тили, адабиёти ва санъатидир.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангач, имзолаган илк қарорларидан бири ҳам бевосита адабиёт соҳасига дахлдор бўлди. Яъни элимизнинг сукули фарзанди, забардаст шоир, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида махсус қарор эълон қилинди.

Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Инсон қасидаси” Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганлигининг 75 йиллигига бағишланган “UN75” онлайн-тадбирда ўзбек, қозоқ, турк, араб, инглиз, рус, италия ва тожик тилларида баралла янради. Бу дегани ўзбек шоири илгари сурган умумашарий ғояга дунёнинг энг юксак минбаридан туриб кучли хайрихолик билдирилди.

Агар устоз Эркин Воҳидовнинг ижодий боситида танҳо шугина шеъри бўлса ҳам эди, у зотининг покиза руҳи барибир абадиятга дахлдор бўлиб қолаверарди. Зеро, бу муҳташам мисраларни битиш учун шоиримиз жаҳон мутафаккирлари зеҳниятининг неча булоқларидан тўйиб-тўйиб сийрган, неча дурдона асарларнинг маъно маҳзанларидан қувват олган ва уларни она тилимизга ўгириб, бутун ўзбек халқини ҳам баҳраманд бўлишига ҳисса қўшган.

Донишманд ўзбек шоирини қаттиқ ташвишлантирган чўнг фалсафа бугун дунёнинг турфа миллат вакиллари қалбини ҳали-ҳамон титратиб турибди. Оралда неча авлод туғилиб улғайди, неча сувлар оқиб ўтди.

Олам буткул ўзгарди, лекин шох асар — “Инсон қасидаси”нинг қадри ўзгармади. Мағзининг тўқлиги, мазмунлиги сингган ғоянинг бақувватлиги туфайли қасида замони ва маконини кенгайтириб яшаб келмоқда.

Айниқса, бугун бани башар мана шундай кучли мафкурага ташна. Дунёда кечаётган ғалати воқеалар тўфонидан инсоният асплятини, моҳиятини янгидан эслаб олиши бугун ниҳоят-да зарур.

Зуваласи пишиқ шеърнинг умри гўзал қўшиққа улашиб кетади. “Инсон қасидаси”ни устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жураев ижросида эшитиб улғайганимиз. Президентимиз тақдим этган ғоя асосида “Инсон қасидаси”ни умумбашарий қўшиққа айлантириш ишига жамоа бўлиб киришилди. Шеърга Нодир Умаров куй басталади, Азиз Холмуродов куйини сайқаллади, Дилмурод Маткаримов овозларни ёзиш ишига масъул бўлди, Санжарбек Маткаримов клип концепциясини ишлаб чиқди.

Ёзувчилар уошмасининг кўмаги билан шеър бошқа тилларга ўгирилди. Кейин ушбу лойиҳа бўйича ҳамкорлик юзасидан дунё юлдузлари жалб қилинди. Шу ўринда тилнинг, сўзининг қудрати ҳақида яна бир гални айтиб ўтиш ўринли. Ташаббускорлар турли мамлакатларнинг машҳур хонандалари билан боғланганида, аввалбошда катта-катта гонорлар талаб қилинган экан. Албатта, “юлдуз” бўлгач, бунга ҳаққи бор. Лекин ушбу лойиҳа моҳиятини англаб етганидан кейин бирин-бирин гонорлардан воз кечишган экан. Қўпчилик хорижлик хонандалар бу қўшиқни айтиш учун пул олиш айб, дейишган.

Россиялик машҳур хонанда Олег Газманов лойиҳадаги иштироки учун олдиндан олиб бўлган гонорарини Ташкентдаги Меҳрибонлик уйларида бериға ўтказди. Мана, инсонийлик қандай яралади. Мана, сўзнинг қудрати, маънонинг моҳияти...

Шу залда Ўзбекистон ташаббуси билан халқаро лойиҳа дунёга келди. “Инсон қасидаси” ўзбек тилида Озодбек Назарбеков, қозоқ тилида Омиркул Айниязов, араб тилида Аҳмад Ал-Хурайбий, туркчада Рафет Эл-Роман, италия тилида Алессандро Сафина, инглиз тилида Дилафруз Рустамова, тожик тилида Зафар Абдуалимов, рус тилида Олег Газманов лафзидан янради. Ғоя ғояга уланди. Бу қўшиқ донишманд халқимизнинг умуминсоний қадриятларга оҳангдош мафкурасини тараннум этди.

Шоирнинг ижодий маҳсули бўлган қасида айнан тил орқали жаҳон маданиятининг дурдонаси сифатида баралла жаранглади. Демак, бугун ҳар бир миллат вакиллари қатори, айниқса, ижодкор зиёлилар, шоир-ёзувчилар, таржимонлар, драматурглар, сценаристлар тилимиз софлигини сақлаш, бойитиш ва уни умумжаҳон тиллар доирасидаги қадриятини оширишга камарбаста бўлиши лозим.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.  
82285 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева  
Мусаҳҳиҳ: Малолхат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзиллими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 21:50 Тошириди — 23:15